

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

174 **Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПҚ-2293-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 апрель,
106-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2015 йил
3 апрелдаги 106-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 42-банднинг иккинчи хатбоши-
сидаги, 43-банддаги, 49-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 53-банднинг ик-
кинчи хатбошисидаги «алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тех-
нологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин.

2. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлашти-
риш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-
си билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Д. ХИДОЯТОВ

2015 йил 3 апрель